

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ХУКМ  
**Protected by PDF Anti-Copy Free**

2020 йил декабрь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди Термиз шаҳридаги “Бактрия” савдо комплекси биносида сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Бобоев, судья ёрдамчиси Н.Курбановнинг котиблигида, тарафлардан даъволовчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Ортиқов, судланувчи Р.К. ва унинг ҳимоячиси “Сурхон Баркамол Имкон” адвокатлик ҳайъати аъзоси Э.Абдураимовнинг иштирокида, К.Р.Бга нисбатан 1-1901-2002/209-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

К.Р.Б (К.Р.В), 1989 йил 08 август куни Шеробод шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибда тадбиркор, Шеробод тумани, “██████████” маҳалласида яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 11 декабрь куни олган, сўзидан соғлиги яхши судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини таҳлил қилиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **а н и қ л а д и:**

Р.К 2020 йил 16 октябрь куни 17.00 ларда қонунга хилоф равишда фуқаро Л.Хга ҳар бир АҚШ долларини 10.410 сўмдан сотишга келишиб, жами 2.800 АҚШ долларини 29.148.000 сўмга сотган вақтида ушланиб, ундан 2800 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинган.

ТИФ Миллий банк Термиз бўлимининг 2019 йил 20 октябрь кунидаги ХН3635/09-сонли хатига кўра, 2020 йил 16 октябрь куни ҳолатига 1 АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан қиймати 10.339 сўм 68 тийин эканлиги маълум қилинган бўлиб, 2.800 АҚШ доллари миллий валютага нисбатан қиймати 28.951.104 сўмни ташкил этади.

Судланувчи Р.К суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йил 16 октябрь куни Шеробод туманидаги дўконида савдо қилиб турганида “Л” исмли аёл дўконга келганлиги, у АҚШ доллари олмоқчи эканлигини айтганлиги, унга валюта алмаштириш билан шуғулланмаслигини айтганлиги, Л фарзанди учун керак бўлиб қолганлигини айтганлиги, унга ёрдам бериш учун валюта топиб беришини айтганлиги, Л телефон номерини бериб кетганлиги, бир оз вақтдан сўнг унга қўнғироқ қилиб, 2.800 АҚШ доллари топганлигини айтганлиги, шу куни соат 17.00 ларда Л яна дўконга келганлиги, унга 10.410 сўмдан жами 2.800 АҚШ долларини бериб, 29.148.000 сўм

пулларни олганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келганлиги, улар тегишли тартибда пулларни олишганлиги, қинмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш. Суд мажлисида, 2020 йил 16 октябрь куни Шеробод туманидаги дўконга кирганлиги, у ерда Р.К бўлганлиги, унга АҚШ доллари кераклиги ҳақида айтганлиги, 2.800 АҚШ долларини 10.410 сўмдан сотишини айтганлиги, ушбу ҳолатнинг йединлик киритиш мақсадида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Термиз шаҳар бўлимига мурожаат қилганлиги, департамент ходимлари ўзига тегишли тартибда 29.148.000 сўм пул беришганлиги, шу куни соат 17.00 ларда Р.Книнг олдида борганлиги, Р.К 2.800 АҚШ доллари учун пулларни олган вақтида департамент ходимлари келишганлиги, улар тегишли тартибда пулларни олишганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Р.Книнг жиноят содир этганликда айби, ўзининг суд мажлисида берган кўрсатуви, гувоҳ Л.Хнинг суд мажлисидаги кўрсатуви, жиноят иши ҳужжатларидаги тушунтириш хатлари, кўздан кечириш ва ашёни олиш баённомаси сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Р.Книнг жиноий ҳаракати тергов органи томонидан анча миқдорда қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Р.Кга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, унинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган озошликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўшимча равишда назорат қилувчи органнинг рухсатсиз розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Сурхондарё вилоятини тарк этмаслик мажбуриятларини юклашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, ТИФ Миллий банк Сурхондарё вилоят филиалига 2020 йил 20 октябрь куни 0182992-сонли қвитанция асосида топширилган 2.800 АҚШ долларини давлат даромади ҳисобига ўтказишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463-модда 2-қисмининг 1-банди, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

К.Р.Б (К.Р.В) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

К.Р.Бга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озошликни чеклаш жазоси тайинлансин.

К.Р.Бга сутканинг муайян вақтида, яъни кеч соат 22.00 дан эрталаб 06.00 га қадар яшаш жойидан чиқин чеклансин, шунингдек, Шеробод туман ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини узгартирмаслик, Сурхондарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбуриятлари тоқлатилсин.

Жазо муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ҳукми ижросини назорат қилиш Шеробод туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

К.Р.Бга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, ТИФ Миллий банк Сурхондарё вилоят филиалига 2020 йил 20 октябрь куни 0182992-сонли квитанция асосида топширилган 2.800 АҚШ доллари давлат даромади ҳисобига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

имзо

В.Х.Норбеков

Аслига тўғри

В.Х.Норбеков